

2022 йил 5 -январ

130026/1-сон

Асака тумани.

«Andijon hududiy elektr tarmoqlari korxonasi» AʼJ Асака туман электр таъминоти корхонаси, Асака шаҳар устачилик бўлими (кейинги ўринларда «Корхона» деб юритилади)нинг №31-06/32-сонли Бош ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбари Махмудов Шукуржон Махамаджонович бир тарафдан ва Асака туман хайвон касалликлари ташхиси ва озик овқат махсулотлари хавфсизлиги давлат маркази (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади)нинг гувоҳнома асосида фаолият юритувчи раҳбари Абдусаматов Шохбоз Шухратбек ўгли иккинчи тарафдан, мазкур шартномани куйидагилар туғрисида туздилар.

I. Шартнома проедмети.

Ушбу шартнома билан «Корхона» тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда – энергия деб аталади) «Истеъмолчи»га етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия ҳисоби.

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
Актив 666 кВт.с., реактив _____ кВт.с. ташкил этади.
2.2. Етказиб берилган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи _____ тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) бўйича 450 сўми ташкил этади.

Бюджет ташкилотлари учун: бюджет маблағлари ҳисобидан 299700 сўми бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан _____ сумми ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия ҳажми ушбу шартноманинг I-иловасида келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асосларининг (кейинги ўринларда ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 2277-сонли қарори I иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик ҳажми 666 кВт/соат ташкил этади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВа ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – ўрнатилган тариф бўйича;

Тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали:

Тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача белгиланган тарифга 1,5 баробар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳидаги «Истеъмолчи» ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган «Истеъмолчи»га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВагача бўлган «Истеъмолчи»га энергияни реализация қилиш нарҳини шакиллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланади. Ташкилотлар рўйхатига кирувчи махсулот ишлаб чиқарувчи айрим хизматлар кўрсатувчи «Истеъмолчи» учун Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар қўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади, яъни I-санасидан кейин кейинги ойнинг I-санасигача.

3.4. «Истеъмолчи» ҳар ойда Асака туман электр таъминоти корхонаси (кейинги ўринларда «Корхона» деб аталади) ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисоботни тузади.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи туғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ойнинг 01-санасидан 05-санасига бўлган муддатда ўз қули билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВа ва ундан юқори бўлган «Истеъмолчи» бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўллик ҳажмдан ташқари, алоҳида-алоҳида тигиз, ярим тигиз, тунги пайтлардаги ҳажмларихам аниқлаши ва кўрсатиб ўтилиши шарт.

3.5. Энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида «Корхона» ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичида тўлаш учун ҳисоб фактура ва тўлов ҳисоб варағини ёзиб беради. «Истеъмолчи» да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объект мавжуд бўлган тақдирда ҳар бир тариф гуруҳи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб фактура ёзилади.

3.6. «Истеъмолчи»га энергия етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.